O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 31 ИЮЛ, сешанба № 31 (235) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади



## Боболардан мерос Ватан бу!

### Энг улуғ, энг азиз байрамимизга 31 кун қолди



# ТАДБИРКОРЛИК – ЖАМИЯТ ҚУВВАТИ

***2001 йил 27 июл куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик раҳбарияти ва масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармаси бошлиқлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд раислари, судлар департаментининг ҳудудий бўлим бошлиқлари, адвокатлар коллегиялари раислари, Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Юристлар малакасини ошириш маркази, Х.Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази, шунингдек, бошқа адлия идоралари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

**Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири** А. Полвон-Зода **маруза қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз Президенти томонидан кичик ва ўрта бизнеси, хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш борасида адлия ва суд идоралари зиммасига юклатилган ўта масъулиятли вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.**

Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратиш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишини таъминловчи кўплаб қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва тартибга солишда бирмунча ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди.

Тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш юзасидан аниқланган ҳар бир ҳолат вилоят адлия бошқармалари томонидан Адлия вазирлигига ўз вақтида махсус хабар орқали етказилмоқда ва айбдор мансабдор шахсларга қонун нуқтаи назаридан чора кўрилмоқда.

Кейинги пайтда тадбиркорларнинг ноқонуний жавобгарликка тортилиши ва судланиши "фавқулодда ҳолат" деган тушунча ҳаётда ўзининг аниқ ифодасини топиб бораётгани алоҳида қайд этилди. Бу турдаги барча жиноят ишлари бўйича Адлия вазирлигига суд ҳукмларининг асослилиги тўғрисида хулоса юбориш тартиби жорий этилгани ўзининг самарасини бермоқда. Жумладан, ўтган бир ярим йил давомида судлар томонидан 448 та тадбиркор оқланди ва жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий муҳофазаси ҳақида гап бораркан, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилнинг 6 апрелидан амалга киритилган Текширишларни рўйхатга олиш китоби қонун даражасига кўтарилгани, бугунги кунда ҳар бир тадбиркор эркин фаолият юритишида бу Китобга катта қизиқиш ва ишонч билан қараётгани таъкидлаб ўтилди. Адлия вазирлигининг ходимлари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровлар шуни кўрсатадики, мазкур Китоб ноқонуний текшириш ўтказиш мақсадида келган шахсларга тўлдириш учун тақдим этилганда, аксарият ҳолларда улар текшириш ўтказишга жазм этмаган.

Ўтган йил тадбиркорларга 100 минг нусха Китоб тарқатилган бўлса, жорий йилда унинг яна 150 минг нусха чоп этилгани ҳам шу фикрнинг исботидир. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятидаги ҳар бир тадбиркор, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларни мазкур Китоб билан таъминлаш чоралари кўриляпти. Уч-тўрт ой давомида бошқа вилоятларда ҳам ҳар бир тадбиркорлик субъекти Текширишларни рўйхатга олиш Китоби билан таъминланади.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқини қўпол равишда бузаётган ашаддий қонунбузарларни суд жавобгарлигига тортиш ишлари давом этаётгани қайд этиб ўтилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия идораларининг даъво аризалари асосида суд томонидан текширувчи ва бошқа идораларнинг 325 нафар мансабдор шахслари чўнтагидан тадбиркорлар фойдасига 90 млн. сўмлик моддий ва маънавий зарар, бой берилган фойда ундириб олинди. Бу суд жараёнларининг республика ва маҳаллий телевидение орқали узлуксиз намойиш этиб борилиши ва жамоатчилик эътиборини жалб қилиниши эса давлат хизматчиларининг ўз вазифасига масъулият билан қарашга, уларнинг интизомини оширишда муҳим тарбия воситасини ўтамоқда.

Албатта, бундай кенг миқёсли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ижобий натижа бермоқда. Мисол учун, 1999 йилга нисбатан кейинги икки йилда тадбиркорларни ноқонуний текширишлар, уларни асоссиз равишда жавобгарликка тортиш ҳолатлари кескин камайгани шу фикрнинг исботидир.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг натижалари билан қаноатланиб қолмаслик, ҳали тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида тўсиқ бўладиган муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлиги, бу ўз навбатида ишга янада масъулият билан қарашга ундаши алоҳида қайд этил ди.

Хусусан, тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар шундан далолат бермоқдаки, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органларининг айрим мансабдор шахслари Текширишларни рўйхатга олиш Китобини ҳам четлаб ўтиб, қаллоблик билан тадбиркорларни ўз хизмат хонасига чақириб, ўз нопок мақсадларини амалга оширишга уринмоқда. Ҳаётда учраб турган бундай салбий ҳолатлар республика Прокуратураси билан ҳамкорликда таҳлил қилинмоқда ва уларга нисбатан зарур чоралар кўрилаяпти.

Шунингдек, ҳисобот даврида адлия идоралари асосий диққат-эътибори шартномавий муносабатларни тартибга солишга қаратилгани, биргина адлия органлари ёрдамида 37 мингдан ортиқ шартномалар қайта туздирилгани қайд этиб ўтилди. Фақатгина ўтган ярим йил давомида 170 мингга яқин ички хўжалик шартномаларини қонун талаблари асосида тузишда амалий ёрдам кўрсатилгани ҳам бу борадаги ишларнинг салмоғидан дарак беради.

Ўтган 6 ой ичида ширкат, фермер хўжаликлари, оила пудратчиларининг манфаатини кўзлаб судларга 760 млн. сўмлик 2400 га яқин даъво аризалари киритилди.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалигидаги шартномавий муносабатларга тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир туманда шартномавий муносабатлар бўйича намунавий ширкат ва фермер хўжаликларини ташкил этиб, уларнинг тажрибасини тарғиб қилиш йўлга қўйилди.

Адлия вазирлиги томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислоҳотлар бўйича амалий қонунларнинг ижроси чуқур ўрганиб чиқилди. Шунинг натижасида иқтисодий соҳада кўплаб қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд эканлиги аниқланди. Бундай қонунбузарликлар сирасига тадбиркорларни рўйхат ҳамда ҳисобга олиш ва кредит ажратиш тартибини бузиш, уларни асоссиз равишда жавобгарликка тортиш, шартномавий муносабатлардаги ноҳалоллик ва бошқалар киради.

Бундай қонунбузилиш ҳолатлари атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда, шунинг натижаларидан келиб чиқиб, вилоят ҳокимларига тақдимномалар киритилди. Шунингдек, улар Адлия вазирлиги, вилоят адлия бошқармалари иштирокида барча вилоят ва туман ҳокимликларида муҳокама қилиниб, вазиятни ўзгартиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аниқланган ҳар бир қонунбузилиш ҳолати юзасидан махсус назорат карточкалари жорий этилди. Бу назорат карточкалари тадбиркорнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, қонунбузилиш ҳолати тўла бартараф этилиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгандан сўнггина назоратдан олинади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий натижасини бераётгани таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, маърузачи адлия ва суд идоралари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифаларнинг ижроси етарли даражада эмаслиги, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлигига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларга батафсил тўхталиб ўтди.

Жумладан, Адлия вазирлиги бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорларни тўрачилик ва коррупциядан ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига қонунга зид равишда аралашиш ёки бошқача тарздаги тўсқинлиқ қилгани учун давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият ва мансабдор шахсларни жавобгарлиги чораларини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, тадбиркорларни бюрократик тазйиқлардан ҳимоя қиладиган, ноўрин текшириш ҳамда тафтишларнинг олдини оладиган самарали тизимни шакллантириш, суд, адвокатура ва бошқа юридик тизимларни бу фаолиятга жалб қилиш чоралари белгиланди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида ишлаб чиқилган барча қонун ва меъёрий ҳужжатларни қайта таҳлилдан ўтказиш ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳайъат йиғилишида адлия, суд идораларининг раҳбарлари ва бошқа масъул ходимлари кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Йиғилиш танқидий руҳда ўтди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли ҳайъат қарори қабул қилинди, адлия ва суд идоралари олдида турган ғалдаги муҳим вазифалар ва тадбирлар аниқ белгилаб олинди.

### Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган "Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови" маърузасидан келиб чиқадиган адлия идораларининг вазифалари ҳақида

Адлия вазирлигининг 27 июлда бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъатида қайд қилиндики, ўтган бир ярим йил давомида адлия органлари томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини яратиш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишини таъминловчи қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва тартибга солишда бирмунча ижобий натижаларга эришилди.

Кўрилган комплекс чоралар натижасида вазиятга маълум даражада таъсир кўрсатиляпти. 1999 йилга нисбатан тадбиркорларни ноқонуний текширишлар, уларни асоссиз равишда жавобгарликка тортиш ҳолатлари кескин камайди.

Шу билан бирга, адлия ва суд идораларига юклатилган вазифаларнинг ижроси етарли даражада эмас, барча имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар жойларда тўлиқ ҳимоя қилинмаяпти. Тадбиркорларни тўрачилик аппаратини зўравонлигидан ҳимоя қилиш, зарур бўлмаган текширишлар, тафтишлар ва инспекцияларни олдини олишга доир самарали тизимни шакллантириш ишларини кучайтириш, бунда юридик ва суд тизимини жалб этиш юзасидан зарур чораларни кўриш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ишларнинг самарасини ошириш, республика раҳбарияти томонидан адлия идоралари олдида қўйилган вазифаларни сифатли ва тўлиқ таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ҳайъати

**қарор қилади:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови" маърузасидан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 июлдаги 4-сонли мажлиси баёнидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича Адлия вазирлигининг чора-тадбирлари режаси 1-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

*(Давоми 2-бетда)*

**Яккабоғ шаҳрида 2 минг 500 нафар, Яккабоғ қўрғонида эса минг нафар абонентга хизмат кўрсатишга мўлжалланган Германиядаги "Алкател" фирмасининг С-12 русумли замонавий телефон станциялари ўрнатилди.**

***

Андижонда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг ташаббуси билан "Истиқлол йиллари: миллий ва диний қадриятларнинг халққа қайтиши" мавзуида анжуман ўтказилди.

***

Олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди.

***

Ўзбекистон Давлат санъат музейи мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ерда мамлакатимиз халқлари тарихига оид 50 мингдан зиёд нодир буюм сақланади.

***

**Элликқалъа туманида Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб "Назм ва наво" шеърият байрами ўтказилди.**

***

Ўзбекистон Бадиий Академияси марказий кўргазмалар залида "Шу азиз Ватан барчамизники!" шиори остида Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари фестивали очилди.

***

**Италиянинг Римине шаҳрида таэквандо (ITF) бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз спортчилари юксак натижага эришиб, мустақиллигимиз 10 йиллик тўйига муносиб тўёна — 13 та медал билан қайтишди.**

# Лафзсиз ютқазади

Шартномага риоя қилишни лафзи ҳалоллик дейишади. Унга имзо чекканлар эса зиммасидаги масъулиятни виждонан ҳис этиб, иш тутиши лозим. Акс ҳолда эътиборсизлик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

— Жиззах вилоятида шундай воқеа содир бўлди, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи Шокир Саидов. — "Бунёдкор" деҳқон-фермер хўжалиги 2000 йил ғалла ҳосили учун 1999 йил 29 октябрда "Дўстлик дон маҳсулотлари" Акциядорлик жамияти билан шартнома тузган эди. Бунга кўра, деҳқон-фермер хўжалиги жами 81 тонна ғалла етиштириб бериш мажбуриятини олиб, шартномани тўлиқ бажарган эди. Бундан ташқари, деҳқон-фермер хўжалиги бозор нархида ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлган яна 23 минг 525 килограмм ортиқча ғалла топширишга эришди.

"Дўстлик дон маҳсулотлари" Акциядорлик жамияти "Бунёдкор" деҳқон-фермер хўжалигининг шартнома бўйича топширган 81 тонна ғалласи учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилган бўлса-да, шартномадан ортиқча топширган ғалла ҳақини беришда қийғирлик қилди.

Қонунларни анча-мунча биладиган "Бунёдкор" деҳқон-фермер хўжалигининг бошлиғи Эшмурод Шойимардонов бундай ноҳақликка чидаб туролмади. У Конституция ва "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларида белгиланган ҳуқуқлари асосида ўзининг мажбуриятдан ортиқча топширилган 23 минг 525 килограмм ғалласи учун бозор нархида ҳақ тўлашни талаб қилди.

Деҳқон-фермер хўжалиги раиси Эшмурод Шойимардонов етти ой давомида бўзчининг мокисидек "Дўстлик дон маҳсулотлари" Акциядорлик жамиятига қатнади. Қайта-қайта мурожаат қилавериб, анчагина моддий ва маънавий зарар кўрди.

"Дўстлик дон маҳсулотлари" Акциядорлик жамияти "Бунёдкор" деҳқон-фермер хўжалигининг шартномага асосан топширган ғалласидан, ортиқча топширган 23 минг 525 килограмм ғалла учун 412 минг 973 сўм тўлаган эди. Аммо Жиззах "Эски шаҳар" универсал бозори акциядорлик жамиятининг 2000 йил 18 декабрдаги маълумотномасига кўра ўша пайтларда бир килограмм буғдойнинг бозор нархи 88-92 сўм бўлган. Шунинг учун ортиқча топширилган ғалланинг бозор баҳоси 2 миллион 117 минг 250 сўмни ташкил қилган. Хуллас, ноҳақлик мавжудлиги аниқ кўриниб турарди.

Шу туфайли Жиззах вилоят адлия бошқармаси "Бунёдкор" деҳқон-фермер хўжалиги манфаатини кўзлаган ҳолда Дўстлик туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Даъво аризасига кўра Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари талабига асосланиб, "Бунёдкор" деҳқон-фермер хўжалигининг раиси Эшмурод Шойимардоновга етказилган моддий ва маънавий зарар айбдор шахслардан ундириб берилиши керак эди. Суд қарорига кўра, "Дўстлик дон маҳсулотлари" очиқ АЖ ҳисобидан "Бунёдкор" деҳқон-фермер хўжалиги фойдасига 1 миллион 904 минг 277 сўм ва етказилган маънавий зарар учун 50 минг сўм ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарилди.

**Шаҳноза МУҲАММАДИЕВА,**
**"Туркистон-пресс"**

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимизнинг тадбиркорлар ҳақида айтган фикрлари қалбимни тўлқинлантириб юборди. Тадбиркорликни тилида мақтаб, амалда тўсиқ бўлаётган баъзи бир маҳаллий амалдор тўралардан чеккан азиятлар қўлимга қалам олишга ундади. Гап шундаки, бундан олти йил муқаддам Пайариқ туман чорва моллари тайёрлов идорасида яхшигина ишлаб юрган эдим. 1997 йилнинг бошларида туманнинг собиқ ҳокими Абдулла Бўтаев мени ҳузурига чақириб: "Шу идорани сизга хусусийлаштириб берсак, ҳар ҳолда чорва йўқолиб кетмайди, ишончли қўлларда бўлади" деди. Мен аввалига кўнмадим, тўғриси қўрқдим. Яна чақиртирди. Кўрқманг, ўзимиз қўллаймиз, ер берамиз, чорвани қўпайтирасиз, замон талаби шу, деди. Шу тариқа "Йўлтепа" гўшт-сут савдо жамияти ташкил топди. Ҳамма ғавғо шундан бошланди. Мен ихтиёримидаги 30 та қорамолни озуқа билан таъминлаш мақсадида ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимиятига мурожаат қилдим. Ўша йили 12 майда туман "Янгиобод" жамоа хўжалиги раиси Шукрулла Ғаниев бошчилигида кўпчилик аъзоларнинг умумий йиғилиши ўтказилиб, унда хўжалик ҳудудидаги камунум майдондан менга 25 гектар ер ажратиш ҳақида қарор чиқарилиди.

*(Давоми 2-бетда)*

**Мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, бу жараённинг қандай кечиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ижтимоий фаоллигига боғликдир. Конституция ва у асосда қабул қилинган қонунлар моҳият-эътибори билан шахс манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган. Шу боис фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, қолаверса, шахсларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини қайта тиклаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишлардан бирини ташкил этади. Навбатдаги сабоғимиз ҳам ана шу мавзуга бағишланади. Уни юридик фанлари номзоди Шуҳрат Файзиев шарҳлайди.**

*Конституция ва биз*

# ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҲУҚУҚИ

## Ўнинчи сабоқ

Конституциямизда фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўла кафолатланган. Бу қонда Бош Қомусимизнинг 35-моддасида ўз ифодасини топган бўлса, унинг бошқа тегишли моддаларида янада мустаҳкамланган. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади. Ана шу конституциявий қоидани ҳаётга тадбиқ этиш ва фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш масалалари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги (1994 йил 6 май) Қонуни орқали амалга оширилади. Мазкур қонунда фуқаролар мурожаатларининг шакллари, уларни кўриб чиқиш муддатлари, мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқувчи шахсларнинг ҳуқуқ, бурч ва вазифалари ҳамда бошқа масалалар ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатларига алоқадор бўлган ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа амалдаги қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларида фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиши, уларда кўтарилган масалалар холисона ҳал қилиниши, фуқаролар томонидан юқори органларга тушган мурожаат эътибордан четда қолмаслиги назарда тутилади. Борди-ю, мурожаатлардаги илтимос-талаб ва таклифларни қондириш имконияти бўлмаганда, мурожаат қилувчига шу ҳақда аниқ жавоб қайтарилиши лозимлиги қонунларда ўз ифодасини топган.

Фуқароларнинг мурожаатлари

***Ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга...*** **35-модда**

ариза, таклиф ва шикоят тарзида бўлиб, улар барча ваколатли давлат органларига берилиши мумкин. Фуқаролар томонидан йўлланган ариза, таклиф ва шикоятлар ўз вақтида кўриб чиқилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида, Олий Мажлисда, Вазирлар Маҳкамасида, вазирликлар, суд органларида ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қошида фуқароларнинг хатлари, таклиф ҳамда шикоятлари билан бевосита шуғулланувчи маҳкама ва маъмурий бўлимлар мавжуд. Шу жумладан, Адлия вазирлиги тизимида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 июлдаги қарорига асосан фуқаролар билан ишлашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш назарда тутилади:

— ариза, таклиф ва шикоятлар барча ваколатли давлат органларига берилиши мумкин. Уларнинг раҳбарлари ушбу таклиф ва аризаларни қабул қилишдан бош торта олмайди;

— ариза, таклиф ва шикоятларда нафақат ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар, балки уларнинг фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин;

— фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифлари ёзма шаклда юборилиши ёки оғзаки тушунтирилиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари фуқаролар матбуот, радио-телевидение орқали ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Газета, журнал, радио-телевидение таҳририятлари томонидан юборилган барча мурожаатлар ҳам кўриб чиқилиши керак.

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, мурожаатлар билан ишлашни тобора такомиллаштириб боришдан жамият ҳам манфаатдордир. Айни пайтда фуқаролар мурожаатлари мамлакатдаги умумий аҳволни ифодаловчи ўзига хос кўзгу вазифасини ҳам бажариши мумкин. Уларни ўрганиш орқали аҳолининг турмуш даражаси, талаб, истак ва эҳтиёжларини ўрганиш жараёнида қаерда қандай камчиликларга йўл қўйилган, нималар назардан четда қолган ва нималарга эътиборни кучайтириш зарурлигини аниқлаш имконияти туғилади.

Шикоятлар асосан юқори ташкилотларга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади. Шикоятни қабул қилиб олган идора уни белгиланган тартибда кўриб чиқади, шикоятда келтирилган важлар унинг ваколат доирасига кирмаса, шикоятни тегишли органга юбориб, бу тўғрида шикоят йўллаган шахсни хабардор қилади.

Умуман, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатланган бўлиб, ҳеч бир хат, ариза ёки шикоят назар-эътибордан четда қолдирилмайди. Чунки уларнинг ортида инсон тақдири ётади.

# Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган "Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови" маърузасидан келиб чиқадиган адлия идораларининг вазифалари ҳақида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2. Ҳисобот даврида адлия ва суд идораларининг фаолияти натижасида тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шартнома интизомини яхшилашга қаратилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**3. Лекин Навоий** (И. Бердиқулов), **Фарғона** (Т.Сўпиев), **Наманган** (И.Иноятов), **Сирдарё** (Т.Дадабоев), **Сурхондарё** (Ч.Аллаёров) **вилоятлари ва Тошкент шаҳар** (Ф.Раҳимов) **адлия бошқармаларига, улар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш бўйича барча зарур чоралар кўрилмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.**

Айниқса, улар ўз фаолиятида ноқонуний текширишларни олдини олиш, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашишлар тўғрисида махсус хабарнома юбориш ва зарур таъсир чораларини кўриш, тадбиркорларнинг аризаларини муддатида кўриш ва уларнинг ҳуқуқини тиклаш, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини моддий ва маънавий жавобгарликка тортиш, суд жараёнларини телевидение орқали намойиш этиш, шартнома муносабатларига оид шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан зарур таъсир чораларини белгилаш ва намунавий фермер ва ширкат хўжаликларида ишларни ташкил қилиш бўйича вазирлик томонидан юклатилган топшириқларни етарли даражада амалга оширмаётганликлари, бу соҳаларда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, вазирликка тақдим этиладиган ҳисоботларни тузишда чалкашликлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

Мутасадди адлия бошқармалари бошлиқлари бу борадаги ишларни қайта кўриб чиқсин, ҳар бир аниқланган қонунбузарликка нисбатан барча зарур таъсир чораларини қўллаб, Адлия вазирлигига 1 ой муддатда тегишли маълумот топширсинлар.

**Тошкент** (Э.Холматов), **Фарғона** (Т.Сўпиев), **Сирдарё** (Т.Дадабоев) **вилоят адлия бошқармалари томонидан шу соҳада камчиликларга йўл қўйганлиги учун 07.05.2001 йилда Адлия вазирлигининг Ҳайъат қарори билан "ҳайфсан" жазоси олганлиги эътиборга олинсин. Ушбу Адлия бошқармалари бошлиқлари 2001 йилнинг иккинчи ярим йиллигида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш бўйича ишлар сифатини тубдан яхшилашни ва фаолиятларида жиддий ижобий силжишларни амалга оширишни таъминласинлар. Акс ҳолда, улар эгаллаб турган лавозимларига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида огоҳлантирилсинлар.**

**Вазирликнинг тегишли бошқармаларидан** (А.Эрназаров, Д.Матрасулов ва З.Давроновлар) **жойлардаги адлия бошқармаларининг тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича фаолиятларини назорат қилишни кучайтириш талаб қилинсин.**

**Шу мақсадда ҳар бир адлия бошқармаси тадбиркорликни ҳимоя қилиш бўйича** бир ҳафта муддатда **ўзларининг иккинчи ярим йиллик учун махсус иш режасини ишлаб чиқсин ва уларни таҳлил қилиш ва ижросини назорат қилиш учун Адлия вазирлигига тақдим этсин.**

(масъул: А.Эрназаров, Д.Матрасулов, З.Давронов)

**4. Иқтисодий ислоҳот бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармаси** (Т.Берекетов), **Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси** (М.Икромов) **ва қонунчилик бошқармаси** (Ш.Чуллиев) **бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий йилнинг** 10 августига қадар **амалдаги қонун ҳужжатлари, энг аввало, идоравий меъёрий ҳужжатларни қайтадан жиддий инвентаризация қилсин.**

Бунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ғов-тўсиқ бўлаётган қоида ва низомлар аниқланиб, бартараф этиш бўйича таклиф киритилсин, шунингдек, Парламентнинг кўриб чиқиши учун киритиладиган янги қонун ҳужжатлари рўйхати аниқлансин.

(масъул: Х.Содиқов)

**5.** Адлия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг соддалаштирилган тартибига, ягона рўйхатдан ўтказувчи идорани ташкил этишга доир зарур таклифлар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**6. Қонунчиликнинг долзарб муаммоларини доимий таҳлил қилиш ва қонунларни такомиллаштириш бўйича вазирликнинг масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётда ишловчи мутахассислардан иборат 19 та ишчи гуруҳларини бугунги кунга қадар бажарган ишлари ўрганиб, таҳлил қилиб чиқилсин, қониқарсиз ишлаган гуруҳлар ишига тегишли баҳо берилсин ва ушбу гуруҳлар ишини жонлантириш ва аниқ натижа беришини таъминлаш бўйича** 1 ой муддатда **чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.**

**Халқаро-ҳуқуқий бошқарма** (М.Ҳакимов) 2 ой муддатда **корхоналарни рўйхатга олишнинг, кредитлашнинг соддалаштирилган тартибларини, текширишларни камайтириш, аудиторлик ва адвокатлик фаолияти ҳамда тадбиркорлик фаолиятига оид бошқа соҳалардаги ва суд ислоҳотлари бўйича чет эл тажрибасини чукур ўрганиб, таҳлилий хулосаларни тақдим этсин.**

(масъул: Ғ.Раҳимов)

**7. Жиноят ишлари бўйича Андижон** (Ё.Жалолов), **Бухоро** (М.Бобоев), **Сирдарё** (Ш.Ҳақназаров) **ва Наманган** (Р.Файзуллин) **вилоят судлари томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимояси борасидаги ишлари қониқарсиз даражада эканлиги кўрсатиб ўтилсин.**

**Жойлардаги барча адлия бошқармалари бошлиқлари, жиноят ишлари бўйича судлари раислари ҳамда Судлар департаментининг ҳудудий бўлимлари бошлиқлари ҳамкорликда тадбиркорларга нисбатан кўрилган жиноий ва маъмурий иш материалларини ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича Адлия вазирлигига** 2 ой муддат ичида **маълумот берсинлар.**

**Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига** (Б.Тойжонов) **вилоят судлари томонидан жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорларни ишлари бўйича хулосаларни ўз муддатида, тўлиқ ва сифатли тақдим этилиши бўйича вазирлик топшириғининг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бевосита жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.**

**Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди томонидан тадбиркор Р.Сиддиқовани жиноят ишини кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилаётганлик факти бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи юзасидан** 10 кун муддатда **таклиф киритилсин.**

(масъул: Б.Тойжонов)

**8. Фуқаролиқ ишлари бўйича Жиззах** (А.Муҳаммадиев), **Хоразм** (А.Дўстчанов) **ва Бухоро** (Ҳ.Ҳакимов) **вилоятлар суди раисларининг эътибори тадбиркорлар манфаатини кўзлаб киритилган даъво аризаларини белгиланган муддатда кўриб чиқилмаётганлигига, судлар томонидан даъволар асоссиз рад этилиб сансалорликка солинаётганлигига ҳамда қаноатлантирилган даъво аризаларини тўла асослар сиз бекор қилиш каби ҳолатларни тугатишга қаратилсин.**

**Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига** (Б.Тойжонов) 2001 йил 20 августга қадар **иқтисодий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда, тадбиркорларни ҳуқуқини ҳимоя қилишда фуқаролик судларини ролини ошириш, мустақил ваколатли суд тизимини барпо этиш ҳамда тадбиркорларни тўрачилик аппаратини зўравонлигидан ҳимоя қилиш ишига суд тизимини жалб қилиш бўйича аниқ таклифлар ва зарур қонун лойиҳаларини тайёрлаш топширилсин.**

**9. Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти** (Б.Тойжонов) **тадбиркорликка оид жиноят ва фуқаролик ишлари юзасидан қонунбузиш ҳолатларини аниқланганда ҳамда судьялар томонидан судьялик этикасига тўғри келмайдиган ёки фаолиятлари давомида ўзларига хос бўлмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўяётганлиги ҳолатлари бўйича маълумотларни зарур чоралар кўриш учун Адлия вазирлигига тақдим этиб боришни таъминласин.**

**10. Адвокатура масалаларини таҳлил қилишда Фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи** Ф.Ҳамидов **ва бошқарма ходимларининг ўз фаолиятларида сусткашликка йўл қўяётганлиги ва зудлик билан зарур чораларни кўриши лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.**

**Бошқарма** (Ф.Ҳамидов) **томонидан адвокатларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг фуқароларни, хусусан, тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя қилишдаги мавқеини янада кучайтириш, тадбиркорларга кўрсатаётган хизматини арзонлаштириш масаласи таҳлил қилиб чиқилсин ва бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, адвокатлик фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида** 20 августга қадар **таклиф тайёрлансин.**

(масъул: Б.Мустафоев)

**11.** Вазирликнинг тегишли таркибий ва ҳудудий тузилмаларидан тадбиркорлар орасидаги тарғибот ишларида номига, фақатгина ҳисобот учун семинарлар ва турли мажлислар ўтказиш каби тадбирларга чек қўйиб, жойларда ўтказиладиган ўрганишлардан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлар учун тушунарли бўлган, уларнинг ҳақиқий муаммоларини ечишга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш талаб қилинсин.

**Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси** (Ш.Файзиев), **Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси** (А.Эрназаров), **Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази** (Ғ.Абдумажидов) **бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда** 5 августга қадар **хўжалик юритувчи субъектларнинг, энг аввало, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириш мақсадида тушунтириш ишларини кучайтириш, тартибга солинган маслаҳатлар бериш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларни амалга оширишни таъминласин.**

**Вазирнинг ўринбосари** П.Саматов **бу соҳадаги вазифаларнинг сифатли ўтказилиши ва тегишли тадбирларни ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишни таъминласин.**

**12. Тошкент Давлат юридик институти** (М.Рустамбоев) **ва Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази** (Ғ.Абдумажидов) бир ой муддатда **тадбиркорлик фаолиятига доир маъруза тезисларини тўпламини тайёрлаб, нашрдан чиқариш ишларини охирига етказсин.**

(масъул: П.Саматов)

**13. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси** (А.Тошқулов) **ва "Адолат" нашриёти** (Ҳ.Пирмуҳаммедов) **бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда** 10 августга қадар **кичик ва ўрта корхоналарни барпо этиш ҳамда улар фаолиятини ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш масалаларига доир қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар тўпламлари, фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун тушунарли бўлган кўлланмалар, маълумотнома ва услубий адабиётларни 2001-2002 йилларда нашр этиш режасини ишлаб чиқсинлар ва уларни нашр этишни ташкил этсинлар.**

(масъул: Х.Содиқов)

**14. Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бошқармасининг** (Н.Абдураҳмонов) **эътибори аудиторлик текширувининг тадбиркорлик фаолиятини асоссиз кўп сонли текширишлардан ҳимоя қилувчи омилга айланишиши устида етарли таҳлилий ишлар олиб борилмаётганлигига қаратилсин.**

**Бошқарма томонидан жорий йилнинг** 20 августига қадар **бошқа ривожланган давлатлар тажрибасини чукур ўрганиб, аудиторларни тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишдаги мавқеини ошириш тўғрисида тегишли таклиф берилсин.**

(масъул: Б.Мустафоев)

**15. Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси** (А.Эрназаров), **Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларини назорат қилиш бошқармаси** (Д.Матрасулов) **ва жойлардаги адлия бошқармалари ўз вазифаларини бажаришда фаолиятларини прокуратура идоралари, Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар Палатаси, Деҳқон ва фермерлар хўжаликлари уюшмаси ҳамда Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош Давлат инспекцияси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари билан мувофиқлаштириш тадбирларини кўрсинлар, ҳамкорликдаги режаларини ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминласинлар.**

**16. Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси** (А.Эрназаров) **жойлардаги адлия бошқармалари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда:**

**жорий йилнинг** 20 августигача **тадбиркорларни тўрачилик ўзбошимчалиги ва коррупциядан ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига қонунларга зид равишда аралашганлиги ёки бошқача тарзда тўсқинлиқ қилгани учун давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги чораларини кучайтириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлашни;**

тадбиркорларни тўрачилик аппаратининг зўравонлигидан ҳимоя қилиш, зарур бўлмаган текширишлар, тафтишлар ва инспекцияларнинг олдини олишга доир самарали тизимни шакллантириш, суд, адвокатура ва бошқа юридик тизимларни бу фаолиятга жалб қилиш чораларини кўришни;

тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузган айбдор мансабдор шахсларга нисбатан ваколат доирасидаги барча чораларни кенг кўламда қўллаш, нопок мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликкача бўлган жазога тортиш чоралари кўриш, уларнинг жавобгарлигининг муқаррарлиги тамойилини таъминлашни;

тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун марказий аппарат ва жойлардаги таркибий бўлинмаларнинг ролини ва жавобгарлигини оширилишига доир чора-тадбирлар кўришни таъминласин.

**17.** Адлия вазирининг 2001 йил 18 июлдаги 70-ум-сонли буйруғи билан адлия ходимларини аттестациядан ўтказиш мақсадида комиссия таркиби тасдиқланган ва аттестациядан ўтказиш режаси тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**Адлия ходимларини аттестациядан ўтказиш гуруҳи** (Ғ.Раҳимов) бир ҳафта муддат ичида **адлия ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин ва** 10 сентябргача **тегишли адлия ходимларини аттестациядан ўтказиб, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли маълумотнома тайёрласин.**

**18.** Ушбу ҳайъат қарори барча марказий аппарат ва жойлардаги бошқармаларига, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларига, Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмаларига ҳамда Адлия вазирлиги тасарруфидаги бошқа барча бўлинмаларга ижро учун юборилсин.

(масъул: З.Давронов)

**19. Ҳайъат қарорининг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирининг биринчи ўринбосари** Ғ.Раҳимов**га юклатилсин.**

Мазкур Ҳайъат қарори ижросининг таъминланиши масаласи доимий равишда вазир ҳузуридаги тезкор йиғилишларда кўриб чиқилсин.

**А.ПОЛВОН-ЗОДА,**
**Ҳайъат раиси,**
**Вазир**

## *Адлия тизими*

### *Жиззах*

**Вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан ширкат хўжаликлари фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан туман ҳокимликлари, хўжалик раҳбарлари ва тегишли корхоналарга 28 та тақдимнома, 3 та огоҳнома киритилди.**

***

**Вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан 40 та ҳолатда (28.263.780 сўмлик) шартнома шартлари бажарилмаганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан ширкат, фермер хўжаликлари ва пудратчилар манфаатини кўзлаб, уларга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик суди ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалари киритилди.**

### *Бухоро*

**Вилоят адлия бошқармасига фермер, деҳқонлар, хусусий тадбиркорлар ва бошқа субъектлардан 122 та ариза ҳамда шикоят келиб тушган бўлиб, шундан 69 таси қаноатлантирилган, 36 тасига ҳуқуқий тушунча берилган.**

---

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

# ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?..

## ёхуд қорақалпоқ фермерлари фаолиятига бир назар

Болалигимизда овулда ажойиб бир ўйин бўларди. Болалар икки тарафга бўлиниб, бир-бирига қуйидагича қўшиқ билан мурожаат қиларди:

**Оқ теракми, кўк терак,**
**Биздан сизга ким керак?**

Биринчи тараф ўзи хоҳлаган кишининг исмини айтиб, «фалончи керак» дегач, бир вакилини югуртириб, иккинчи тарафнинг маҳкам ушланган қўлларидан ҳосил қилинган тўсиқни узиб ўтиши шарт эди. Узиб ўтса, исмини айтган болани ўзи тарафига қўшиб оларди, уза олмай қолса ўзи мағлуб сифатида рақиб тараф сафидан жой оларди. Бу ўйинда бир-бирини мустаҳкам ушлаганлар ютиб чиқарди.

Бизнинг болалигимиз шўролар даврида ўтди, лекин бу ўйин овулларда ҳамон давом этмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўнинчи йилида қорақалпоқ овулларидан болалигининг изларини излаган фермерларнинг бугунги ҳолатини ўша ўйин билан қиёслаш мумкин. Фақат битта сўз ўзгарган, холос:

**Оқ теракми, кўк терак,**
**Биздан сизга не керак?**

Бу ўйинда иккинчи тараф кўзга кўринмайди, ҳатто овоз ҳам чиқармайди, унинг афти-башараси номаълум; қайси тарафдан келиб урадиганини билиш амримаҳол, умумлаштириб айтганда, у бюрократ. Келинг, гапни ўтмишдан бошлай қолайлик.

Тарихий маълумот: шуро замонида колхоз (коллективное хозяйство), совхоз (советское хозяйство) деб овулларни бириктирган жамоа ва давлат хўжаликлари мавжуд эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг тенгсиз саъй-ҳаркатлари билан бошқарувнинг ана шундай бюрократик тизимига барҳам берилди. Буларнинг ўрнига «Деҳқон-фермер ширкатлари хўжалиги» ёки «жамоа хўжалиги» деб бирикмалар пайдо бўлди. Аниқроқ айтганда, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топа бошлади. Овуллардан мустақиллик моҳиятини тушунган уддабурон йигитлар чиқиб, ажратилган ердан мўл ҳосил олиш ҳаракатига тушди ва ўз мақсадларига етди ҳам. Лекин улар жуда ҳам кам, ҳар туманда бармоқ билан саноқли даражада. Хўш, нима учун қорақалпоқ овулларида жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган фермерлик ҳаракати оммалашмаяпти? Ахир, деҳқонларимизнинг кенжа авлоди — бугунги фермерларимизнинг кечаги ўтмишига, яъни оталарининг тақдирига бир назар ташланг: 60-йилларга қадар «колхозчи» деб аталган жонзотнинг паспорти, яъни фуқаролик ҳуқуқи йўқ эди, уларда «колхозчининг чиптаси» деган турар жой ва иш фаолияти ёзилган бир матоҳ бўлиб, у хўжжат ушбу колхоз ҳудудидагина аҳамиятга эга эди. Уларнинг отаси колхоз раиси, онаси партком секретари эди. Ҳар бир колхозчи худди бир чархпалакнинг бир варраги каби вазифа бажарарди, синса бошқаси билан алмаштириларди... (Бу тарихий маълумотлар кечаги замонни эртак деб билган авлод учун келтирилди).

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ер ўз эгасини топди. Президентимиз ташаббуси билан деҳқончиликнинг жаҳон тажрибасида синалган усул — фермерлик фаолиятига кенг йўл очилди.

Албатта, ҳар қандай ислоҳот осонлик билан амалга ошмайди. Орадан анча сувлар оқиб ўтди. Бироқ Қорақалпоғистонда фермерлик ҳаракати нега ялпи ҳодисага айланиб кетмаяпти? Хўш, бунинг илдизи нимада? Бизнингча, бунинг учта сабаби бор.

Биринчи сабаб шуки, фермер деганимиз деҳқончилик ёки чорвачилик сирларини билмайди ёхуд чала билади. Мустақилликдан олдин ернинг тилини биладиган тажрибали деҳқонлар чаласавод мутахассисларга бўйсундирилди ва бунинг оқибатида миллий деҳқончилик анъаналарида узилиш содир бўлди. Бунинг асоратидан қутулиш қийин кечмоқда.

Иккинчи сабаб шундан иборатки, маҳаллий ҳокимият доирасидаги адолатсизликлар фермерликка ғов бўлиб турибди. Фермер хўжалигини ташкил этишдаги сон-саноқсиз ташкилотларнинг керакли-кераксиз ҳужжатлари, ер ажратиш тўғрисидаги ҳокимият қарори, сара уруғ, замонавий техника, ҳар хил ўғитлар ва вақтида сув билан таъминлаш каби муаммоларнинг қайси бирини санаган маъқул? Хўп, майли, уддабурон фермер бу муаммоларни ҳал қилиб, энди меҳнатининг роҳатини кўрадиган пайтда пайдо бўладиган «эканда йўқ, тикканда йўқ, хирмонда ҳозир» бўладиган турфа тафтишчилар орасидан омон-соғ чиқди ҳам дейлик, хўш, энди у ўзи етиштирган ҳосилига ўзи эгалик қиладими? Битта мисол, Қонликўл туманидаги «Али-Ахмет» хусусий корхонаси раҳбари Гулойим Турдиева 1997-99 йиллари «Жайхун» ширкат хўжалигига топширган 51 тонна шолиси учун 831126 сўмни тўрт йилдан буён ололмаганлигини нима билан исботлаш мумкин? Агар Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги республика хўжалик судига даъво ариза киритмаганида, бу қарз ҳалигача узилмаслиги мумкин эди-ку?!. Ахир, ҳалол меҳнатининг ҳақини суд орқали ундиришнинг ўзи бўладими? Деҳқон ишлайдими ёки судга қатнайдими?

Фермер режадан ортиқ ҳосилини бозорга олиб боради дейлик, йўл-йўлакай ДАН ходими, солиқ, санитар, шифокор, бозорқўм, паттачи каби турфа назоратчилар унинг ҳолини қуритади. Таъмагирликдан безган деҳқон келгуси сафар маҳсулотини далада олиб-сотар савдогарга арзимаган пулга сотишга мажбур бўлади ва деҳқончиликка сарфланган харажатни топган даромади қоплама қолади. Бу эса деҳқоннинг мадорини қуритади.

Яна бир мисол: Хўжайли туманидаги «Қиёт» фермер хўжалиги раҳбари Ўринбой Эсжонов 1995 йили Қорақалпоғистон Республикаси кўчмас мулк биржаси томонидан кимошди савдоси орқали Тахиатош шаҳридаги деҳқон бозори ҳудудидан 48 кв. метр ер майдонини сотиб олган эди. Бироқ қарийб беш йилгача ўша ерга эгалик қилолмади. Ниҳоят, Адлия вазирлиги даъво аризаси билан республика хўжалик судига мурожаат этгач, ўтган йили август ойида ер майдони ўз эгасига тегди.

Учинчи сабаб сув танқислиги масаласидир. Қорақалпоғистоннинг деярли 9 та тумани сув камлигидан деҳқончиликдан ажраб қолди. Бу ҳудудларда бугун ҳатто ичимлик сув масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Бу масалада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори чиқди. Ҳозир Қорақалпоғистонга барча вилоятлардан ёрдамга озиқ-овқатлар келмоқда. Лекин меҳнаткаш деҳқон ўз меҳнати билан ундирган ҳосилини тотишни афзал кўради.

Шу ерда 1997 йили Нукусда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгаши сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ривожланиши таҳлилида ва сўнг 1999 йил декабр ойидаги Нукусдаги сайловчилар билан учрашувида Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларининг қишлоқ хўжалик тузилишини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги фикрларида бизнинг ҳолатимизни олдиндан кўрганлигини ҳаёт тасдиқлаб турибди. Сув танқислигидан бугунги кунда ўзининг таъсирини ўтказаётганини эътиборга олсак, бизни бу тўғрида Президентимиз икки йил муқаддам огоҳлантирган экан.

Хўш, энди ўзимиз нима қилаяпмиз? Сув йўқ, деб оҳ-нола чекканимиз билан қурғоқчилик ҳаммага тенг — сув келмайди.

Буни англаб етган тадбиркор фермерларимиз ўз вақтида сувни кам талаб этувчи кунгабоқар, картошка сингари экинларнинг уруғини қадаб улгурди. Баъзилар эса деҳқончиликни чорвачилик билан алмаштириш имконларини излаяпти. Шу ўринда таниқли швед журналисти Торгни Хиннему билан бундан олти йил муқаддам бўлган бир суҳбат эсимга тушди. Унинг айтишича, Швецияда ҳар бир фермернинг экин майдони, нима экиши, умумдавлат эҳтиёжидан келиб чиқиб бир йил олдин белгиланиб қўйилар экан. Ушбу эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳар бир фермерга аниқ экин тури, оладиган маҳсулоти, ҳосили баҳорда тавсия этилади.

Агар картошка экиб ўрганган фермерга бу йил уни экишга эҳтиёж йўқ, деб айтилса, у ҳолда умумдавлат эҳтиёжидаги бошқа экин тавсия этилар экан, агар умуман эҳтиёждан ташқари ҳосил шарт бўлмаса, давлат фермерга ўша еридан ундириладиган ҳосилининг қийматини тўлар экан. Бу суҳбатни баён этишдан мақсад шуки, ҳозирда биз ҳам ривожланган давлатлар сафига интилаяпмиз. Бунинг учун жаҳон тажрибасини миллий деҳқончилигимиз анъаналари билан уйғунлаштириб, янгича усул ва воситаларни амалиётга жорий этишимиз зарур. Шундагина ҳар хил «оқ терагу кўк терак»ларга ҳожат қолмайди.

---

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

# "ЙЎЛТЕПА" ГА ЙЎЛ БЕРИНГ..."

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Р. Бойзоқов имзоси билан туман ҳокимиятига ва менга ер ажратиб бериш тўғрисида "Янгиобод" жамоа хўжалиги билан келишилганлиги ҳақида хат берилди. Шундан сўнг хўжалик маъмурияти туман ҳокимятидан ушбу қарорни тасдиқлашни ва 25 гектар ерни жамоа хўжалиги ер фондидан чиқаришни сўради. Шунга асосан туманинг собиқ ҳокими А. Бўтаев "Йўлтепа" жамиятига 25 гектар ер ажратиб бериш ҳақида 1997 йил 4 июлда 217-К тартиб рақами билан қарор қабул қилди. Кейин август ойида туман ҳокими ва бош ер тузувчиси имзоси билан менга 25 гектар ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Б 003923 рақамли давлат акти берилди. Хурсанд бўлганимни кўрсангиз эди. Тасарруфимдаги 30 бош қорамолни бир йилда фалон бошга кўпайтиришни ўзимча хомчўт қиламан. Ахир, ноумид шайтон, дейдиларку! Ўлчаб берилган ерни кўриш учун борганимда хўжалик раҳбари Ш. Таниев менга: "Энди 3-4 ой сабр қилиб тур, экинларни йиғиштириб олайлик, кейин биратўла шудгорни бошлайсан", деди. Ҳа, майли, дедим. Ана шу "майли" деганим бошимга қанча балолар келтиришини билганимда...

Ўша йили кузга бориб Ш. Таниев жамао хўжалиги бошқаруви раислигидан бўшатилди. Унинг ўрнига Жонодил Суннатов хўжаликка раис бўлди. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деганларидай, истиҳола қилақила 1998 йилнинг январь ойида Суннатовнинг қабулига кириб ер масаласини ётиғи билан тушунтирдим. "Ҳужжатларни кўриб чиқайлик, тўғри бўлса олдисиз", — деди у. Ҳужжатлар текширилди, тўғри чиқди. Ердан дарак йўқ. Яна бордим. Суннатов "Гап битта, 9-майгача ерингизни ажратиб бераман" деди. Раҳбар-да, иши кўп, деб овундим. Қарасам, менга ажратилган ерга ҳам экин экилди. 10 майда Суннатовга бориб, "Ҳой барака топгур, ер нима бўлди?" деб сўрасам, мени жеркиб, "Кўп келаверманг, чопаверсангиз қарорингизни бекор қилдириб ташлайман" деди. Нима қилишимни билмайман. Туманинг янги тайинланган ҳокими Мадамин Шакаровга бораман, ундан унисига, бунисига... Ўрганганмиз, берамиз, сизга бермасак кимга берамиз, дейишади. Натижа эса, бояги-бояги, бойхўжанинг таёғи... Йўқ, Суннатов ваъдасида турди: Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан Пайариқ туман ҳокими М. Шакаровга "Йўлтепа" жамиятига сохта ҳужжатлар асосида 25 гектар ер ноқонуний равишда ажратилганлиги, шунинг учун қарорни бекор қилиш лозимлиги ҳақида 1998 йил 2 июнда 7-17-98 рақамли протест қора қуюндай етиб келди. Ана, энди тадбиркор Ғофур Узоқов, энангни кўрасан, дедим ўзимга ўзим. Тахмин қилганимдай, туман прокуратураси терговчиси Сойибназар Нормуродов дегани узоқ кутирмай, мени чақириб терговни бошлади. Эмишки, мен Кашпировский усулини қўллаб "Янгиобод" хўжалиги раиси Ш. Таниев, касаба уюшмаси раиси Н. Бойзоқов, ер тузувчи К. Маҳамматқуловларга оппоқ қоғозга қўл қўйдириб, хўжалик муҳрини қўйдириб олган эканман. Кейин эса сохта йиғилиш қарорини ўша оқ қоғозга кўчириб, ер олишга эришган эмишман. Қишлоқда бош кўтариб юролмайман, номим ёзувчига чиқди. Иш судга оширилди. Туман судининг раиси Азамат Назаров 1998 йил 15 декабрда бўлиб ўтган судда мени ер олиш учун қалбаки ҳужжатлар тайёрлашда айблаб, уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шу билан бирга амалдаги амнистияни қўллаган ҳолда суд залидан озод қилиб юборди.

Тадбиркорлик ҳам, молу ҳол, бола-чақа ҳам кўзимга кўринмай қолди. Ҳаммасига кўл силтадим. Олгин молингни, бергин тинчимни дея охир-оқибат касал бўлиб ётиб қолдим...

Шифохонада ҳам узоқ ётмадим. Асабим чидамади. Афсуски, бизда хусусий изкуварлар йўқ. Шу боис ўзим Жерлок Холмс вазифасини бажаришга киришдим. Аввало хўжалик умумий йиғилиши қарорлари қайд қилинадиган, рақамланиб, сўрғичланиб муҳрланадиган "Идора дафтари" ни текшириб кўрдим. Не кўз билан кўрайки, китобга қайд қилинган 1997 йил 12 майдаги умумий йиғилиш қарорини топа олмадик. Водариғ! Бу қарорни шу китобдан ўз кўзларим билан бир йил муқаддам меҳрим товланиб ўқиб чиқ-қандим-ку! Қани ўша варақлар? Афсуски, ўша варақлар йўқ эди. Бунинг устига туман ҳокимлигининг ҳуқуқшуноси Т. Худойбердиевнинг тасдиқлашича, қарор дафтаридаги рақамлар ўзгартирилган. Умуман, "Янгиобод" хўжалигининг 1996-98 йилларда тутган, муҳрланган идора дафтаридан 30 варағи йиртиб олинган. Рақам сонлари ҳам тузатилиб ўзгартирилган. Балли-е, шоввозлар! Балли Суннатов! Туман бош ер тузувчиси Ё. Ўринбоев вилоят прокуратурасига "Йўлтепа" жамияти ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилганлиги ҳақида маълумотнома берди... Менинг эса ҳақиқат истаб, паноҳ истаб бош урмаган идораларим қолмади. Ж. Суннатов гўё бу ишларга алоқаси йўқдай, бир куни мени чақириб, "Келинг энди, гина-кудратларни йиғиштирайлик, сизга ер ажратиб бериладиган бўлди. Туман ҳокими уни тасдиқлади", деб айтди. Ҳай, майли, йўқдан кўра бор-ку, деб ўзимга тасалли бердим.

Бироқ Суннатов мени бу гал ҳам лақиллатган экан. 2000 йилнинг 21 февралида бўлиб ўтган хўжалик умумий йиғилишида 1999 йилнинг 13 сентябрида менга 6 гектар ер ажартиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мен гўё қўшниларнинг томорқа участкаларини ўзлаштириб, уларга моддий зарар етказган эмишман, қишлоқ аҳолисини менсимаган эмишман...

Ҳа, дарвоқе, ўша қарорнинг 13-бандида "Узоқов Ғофур, "Гўштсутсаноат-2га" деган ёзув ҳам йўқ эмас. Бу 2 гектар ер олишим мумкинлигини билд

# ЖУРНАЛИСТИК ТЕКШИРУВ НИМА?

## ёхуд тўртинчи ҳокимият вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги каби бир қанча қонунларнинг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши журналистлар ҳамда ноширлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этди.

"Тўртинчи ҳокимият" тизимини шакллантиришда асосий куч ҳисобланган журналистларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан мустаҳкамланиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг халқаро миқёсда белгиланган ҳуқуқий меъёрларининг миллий қонунчиликда акс эттирилиши ушбу соҳада бошланган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қабул қилинган ушбу қонунлар нафақат журналистлар учун, балки барча фуқаролар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мисол учун, қонунда белгиланган "Журналистик текширув" ҳақидаги моддани олиб қарайлик.

Маълумки, журналистик текширувнинг асосий вазифаси ҳақиқатни аниқлаш ва шахсий мулоҳазалар, факт, рақам, қиёсларни оммага маълум қилиш, жамиятда ижтимоий фикрни шакллантиришдан иборат. Журналистик текширувнинг объекти эса мансабдор шахслар ва ахборот беришга мажбур бўлган жисмоний ҳамда юридик шахслар фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Текширувнинг мақсади — қонунчилик йўл қўйган текширувнинг шакл, восита ва усулларидан фойдаланиш натижасида ҳаққоний ахборот олиш ҳамда тарқатиш, холос.

Журналистик текширув барча соҳаларда ва ҳар қандай ҳолатларда олиб борилиши мумкин. Журналист бўлаётган воқеа, ҳодисаларни кузатиш билан бирга ўзини қизиқтирган ҳар қандай маълумотни йиғиш, тўплаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, қўшимча маълумотлар ва ахборотлар олиш билан ўзига берилган ваколатни амалга оширади. Ахборот олиш ҳуқуқи ва эркинлиги эса **"Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида"**ги қонунда белгилаб қўйилган. Қонунчиликка кўра журналист ёзма аризалар орқали сўровлар бериш ва жавоб олиш ҳуқуқига ҳам эга. Журналистик текширув ижтимоий, фуқаровий, шахсий хатти-ҳаракатлар бўлиб, унинг натижаси эса ҳамма танишуви мумкин бўлган материал ва ахборотлардир. Журналистик текширув суд, тергов, суриштирув текширувларидан моҳияти ва мақоми жиҳатидан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 15, 22, 36, 38, 39-моддаларида процессуал текширувлар олиб борувчилар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ҳаракат доираси, ҳуқуқий мақоми аниқ қилиб белгиланган. Процессуал текширувни олиб борувчи ҳар қандай шахс мансабдор шахс ҳисобланса, журналистик текширувда оддий журналист мансабдор шахс бўлмаслиги ҳам мумкин.

Журналистик текширувда журналист қонунчилик йўл қўйган доирада ўзини қизиқтирган ҳар қандай ҳаракатларга аралашишга ҳақли. Бироқ бу журналист содир этилган жиноят ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатиши ёки уни қўзғатишга даъват этиши, тергов ҳаракатлари олиб бориши, суд-тергов материалларини ошкор қилиши ёки процессуал ҳаракатларини чалғитиши мумкин дегани эмас. Сиртдан қараганда, процессуал ва журналистик текширув ўхшашдек туюлади, ваҳоланки, уларнинг натижалари икки хил ёндашувда баҳоланади.

Процессуал текширув натижалари қонун меъёрлари билан баҳоланади ва ҳуқуқий хулоса билан якунланади. Журналист текшируви натижалари шахсий ва ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилади ва унинг натижаси эса умумий ҳолатда ҳар бир шахс томонидан ўзига хос баҳоланади. Журналистларнинг хулосалари ёки жамиятнинг ижтимоий фикри мажбурий хусусиятга эга эмас.

Ҳуқуқ-тартибот органлари, мансабдор шахслар журналистларнинг текширув олиб боришларига имконият яратиб бериши, уларнинг ўз ваколатлари доирасида фаолиятларини амалга оширишларига ёрдам кўрсатишлари воқеа ҳамда ҳодисаларнинг холисона баҳоланишига олиб келади. Қолаверса, журналистик текширувнинг олиб борилиши давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар билан яқинлигини янада мустаҳкамлайди. Қонун ҳимояси остида ҳар бир шахс дилидаги гапларни очиқ айтади, журналист билан сирлашади, унга ҳар томонлама ишонади ва суянади. Бу эса қонуннинг устуворлигини таъминлаб, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамиятни бошқаришда янада фаол иштирок этишига, бир сўз билан айтганда, жамоатчилик назоратини ўрнатишга олиб келади.

Журналист текширувининг юқори савия ва қонун доирасида олиб борилиши жамиятдаги иллатларнинг фош этилишида, унинг илдизларини очишда муҳим аҳамият касб этади. Журналист текширувининг натижалари сохта маълумотлар ёхуд бўҳтондан иборат бўлса, шунингдек, шахснинг қадр-қимматига, обрўсига путур етказса, у ҳолда айбдор бўлган журналистнинг қонун олдида жавобгар бўлиши журналистларга ҳуқуқ бериш билан бирга катта мажбурият ҳам юклайди. Журналист эълон қилаётган барча ахборот ва маълумотлари учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Журналист бурч нуқтаи назаридан жамиятдаги барча кучларни мувозанатда ушлаб туришга ҳам мутасадди ҳисобланади. Одамлар мамлакат ва дунёда содир бўлаётган воқеа ҳамда ҳодисаларнинг тафсилоти билан биринчи бўлиб журналист ахбороти ёки шарҳи орқали танишади. Журналист жамиятни доимо бедорликка ва огоҳликка ундайди. Шу боис журналистикани жамиятнинг ўзига хос ойнаси сифатида таърифлашади. Ўзбек журналистлари олдида ана шу шарафли мақомга лойиқ бўлиш вазифаси кўндаланг турибди. Бу эса ўз навбатида улардан изланиш, фидойилик, бурч ва масъулият талаб этади.

**Бобоқул ТОШЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Адлия тизими*

## ЖИЗЗАХ

Вилоятдаги ҳар бир туманда биттадан намунавий ширкат ва фермер хўжаликлари ташкил қилинган. Намунавий (ширкат ва фермер) хўжаликларда иш юритиш, шартнома интизоми ва чек тизимини бошқа хўжаликларда ҳам намуна тариқасида қўллаш, уларни тегишли қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар, шартнома нусхалари билан таъминлаш, пудратчиларга ички хўжалик шартномаси ҳамда чек тизими афзалликлари, чек дафтарчаларини юритиш тартиби ҳақида тушунтиришлар бериб борилмоқда.

***

Вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш, шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш, деҳқон-фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида туман марказларида ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

***

Жорий йилнинг 6 ойи давомида вилоят адлия бошқармасига шартнома мажбуриятлари юзасидан 20 та ариза ва шикоят келиб тушган ва барча аризачиларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

# ҚОНУННИ БИЛГАН КАМ БЎЛМАС

Боғотлик Қаландар Абдуллаев қандолатчиликни йўлга қўйиб янглишмаган экан. Саккиз юз минг сўм микрокредит олгач, дастлаб маҳсулот тайёрлаш учун дастгоҳлару хомашё харид қилди. Илк натижалар чакки бўлмади. Ўтган йилнинг олти ойида бир миллион уч юз қирқ минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу пулнинг 564 минг сўми соф фойдани ташкил этди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, соф фойда салкам олти юз минг сўм бўлди. Бундан тадбиркор хурсанд бўлди, чунки бозорга тайёр маҳсулот чиқарди. Қўли пул кўрди. Уч нафар киши ишли бўлди.

— Дастлабки натижаларимизни ютуқ, деб аташ мумкин бўлса, бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — деди тадбиркор "Туркистон-пресс" мухбирига. — Аввало, кредитни аниқ режа асосида ўз ўрнида ишлатдим. Сўнг қонун ҳужжатларини пухта ўргандим. Очиғи, гоҳида айрим тадбиркорлар ишлари юришмай қолса ёки бирор раҳбар унга қаршилик кўрсатса, ўз ҳуқуқини билмаганидан довдираб қолади. Шу боис олдимиздаги катта тўсиқ одамларимиз феъл-атворидаги андиша ва ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги, деб биламан. Ҳолбуки, хусусий мулк эгаларининг эркин фаолият юритишлари учун барча меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Ҳамма гап уни ўрганишу оқилона қўллашда қолган.

**Хоразм вилояти,**
**"Туркистон-пресс"**



**Наманган: Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.**

## Оталар дейдики:

**Фақат бир эзгулик бор — билим ва фақат бир ёмонлик бор — жаҳолат.**

***

**Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик — зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма.**

***

**Тарбия уч нарсага муҳтожлик сезади: истеъдодга, илмга, машққа.**

## Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

**Биз "Инсон ва қонун" газетасининг ҳар бир сонини, айниқса, "Савол беринг" рукни остида берилаётган мақолаларни катта қизиқиш билан ўқиб борамиз.**

**Бир-биримизга кўнгил бериб, турмуш қурганмиз. Бироқ бахтга қарши фарзанд кўрмадик. Лекин умидсизликка тушмасдан вояга етмаган болани фарзандликка олишга аҳд қилдик. Бунинг учун кимга мурожаат қилишимиз керак. Қолаверса, фарзандликка олиш тартиби қандай бўлади? Шу муносабат билан газетангиз орқали қуйидаги саволларга жавоб берсангиз**:

1. Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш тартиби қай тариқа амалга оширилади?
2. Қандай болалар фарзандликка олинади?
3. Кимлар фарзандликка олиш ҳуқуқидан фойдаланади?
4. Фарзандликка олишни истаганлар қайси идораларга мурожаат қилиши керак?
5. Қайси тоифа кишилар фарзандликка олишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар?
6. Фарзандликка олиш учун ота-онадан қайндай ҳужжатлар талаб қилинади?
7. Вояга етмаган болага васийлик ва ҳомийлик қилган ташкилот фарзандликка олинувчи ҳақида қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?
8. Фарзандликка олишнинг расмийлаштириш тартиби қандай?

**Моҳира ЭРГАШЕВА,**
**Иштихон тумани**

**Мазкур саволларга Сайҳунобод тумани ФҲДЁ бўлими мудираси М.ШЕРАЛИЕВА жавоб беради.**

1. Амалдаги қонунларга асосан фарзандликка олиш тартиби фақат ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларга нисбатан қўлланади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига биноан васийлик ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан амалга оширилади.

2. Ота-онаси вафот этган, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-онаси бедарак йўқолган, ота-онаси фарзандини тарбиялаш ёки унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан қатъий бўйин товлаган шахсларнинг болалари фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳисобланади.

3. Ҳар бир фуқаро бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин. Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт. Ўгай ота ёки ўгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустасно.

Лекин ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар бундай ҳуқуқлардан мустасно.

4. Фарзандликка олишни хоҳловчи шахслар ўзларининг яшаш жойи ёки фарзандликка олинувчининг турар жойидаги халқ таълими идораларига мурожаат қилишлари керак.

Шунингдек, болаларни фарзандликка олишни истовчи шахслар улар тарбияланаётган васийлик, ҳомийлик органи ёки тарбиялаш ва даволаш муассасаларида рўйхатга олинади.

5. Қариндошлар, ака-ука, опа-сингилларнинг боласини фарзандликка олаётган кишилар, ўгай ота, ўгай она, шунингдек, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажраб қолган кишилар фарзандликка олишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

6. Фарзандликка олишни истовчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
— оила аъзолари кўрсатилган ҳолда турар жойдан маълумотнома;
— иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;
— иш жойи ёки турар жойидан тавсифнома;
— Фарзандликка олувчи шахснинг саломатлиги тўғрисида тиббий маслаҳат комиссиясининг хулосаси.

7. Васийлик ва ҳомийлик муассасаси фарзандликка олинувчи ҳақида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
— фарзандликка олинувчи бола ота-онасининг нотариал равишда тасдиқланган розилиги;
— ота-онасининг вафот этганлиги, бедарак йўқолганлиги ёки суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги қарори;
— ота-онанинг бола тарбияси ва таъминотидан воз кечганлиги тўғрисидаги аризаси, ички ишлар, даволаш ва бошқа муассасаларнинг бола ташлаб кетилганлиги ҳақидаги далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар;
— даволаш муассасасининг боланинг жисмоний ва руҳий саломатлиги тўғрисидаги хулосаси.

8. Фарзандликка олишни расмийлаштириш ишлари туман, шаҳар ҳокимининг бу тўғридаги қарори чиққанидан кейин амалга оширилади. Яъни туман, шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинганидан сўнг 10 кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идоралари фарзандликка олинаётганларнинг туғилиши қайд этилган дафтарга тегишли ўзгартиришлар киритади. Ана шундан сўнг болани фарзандликка олиш қонуний кучга эга бўлади. Фарозандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимояланади.

*Ҳуқуқий маслаҳат*

# НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

## Сиз у ҳақда нималар биласиз?

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги Оила кодекси амалга жорий этила бошлаганига уч йилдан зиёд вақт ўтди. Аммо мазкур кодекснинг аҳамиятини барча оилалар бирдек англаб етмоқда, деб бўлмайди. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, янги қонунда эр-хотиннинг мол-мулки учун никоҳ шартномаси тузишдек бебаҳо имконият берилган. Ҳар бир оила аъзоси бу шартноманинг нима эканлигини англаб етса мақсадга мувофиқ бўларди. Акс ҳолда мол-мулк билан боғлиқ баҳсу тортишувлар кутилмаган зиддият ва муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгиловчи келишув ҳужжатидир. Бу шартнома никоҳдан ўтган шахслар, яъни эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва ажралиш ҳоллари рўй берган тақдирда тузилиши мумкин.

Муштарийларга ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланадиган никоҳ шартномаси тузишнинг ўзига хос талаблари борлигини эслатиб ўтиш зарур. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Агар шартнома никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган бўлса, у никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Чунки никоҳгача мавжуд бўлган бойликлар уларнинг ўз мулки ҳисобланади. Никоҳдан кейин йиғилган мол-мулк эса эр-хотиннинг хоҳишидан келиб чиқиб, шартномада умумий мулк деб қайд этилиши ҳам мумкин. Ёки ҳар икки томон ўз мулкларини алоҳида тартибда қайд этиб, шартнома тузиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Яна шуни унутмаслик керакки, никоҳ шартномасига баъзи бир мажбуриятларни киритиш қатъиян маън этилади. Масалан, эр ёки хотиннинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклаш ёки улардан бирининг ҳуқуқий лаёқатини чегаралашга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, шартномада эр ёки хотинни ўз мулкини васият қилиб қолдириш ҳуқуқини бекор қилиш ҳақида банд киритиш ҳам тақиқланади. Агар эр ва хотин ўз мулкларини алоҳида тартибга солиб, аралаш шартнома тузган бўлса, бу ҳолда ҳар бири ўз мулкини истаган кишисига мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи кафолатланади.

Биз юқорида янги қонунимизда ўз ифодасини топган никоҳ шартномаси тўғрисида қисқача фикр юритдик, холос. Ўйлаймизки, ушбу қонунда акс этган ҳуқуқлардан тўла хабардор бўлиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш баробарида мулкий муносабатларини ҳал этишда ҳам асқатади.

**Шаҳло ИСМОИЛОВА,**
**ҳуқуқшунос**

# ТЎРТ СОАТДА ФОШ ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ

Жарқўрғон туманидаги Маслаҳаттепа қишлоғи ҳудудидан Шеробод канали оқиб ўтади. Шу қишлоқда яшовчи Усмон Норқулов каналнинг нариги томонида жойлашган экинзорига ўтаётиб, бехосдан сувда оқиб келаётган одамга кўзи тушди.

Ё тавба, бу ким бўлди? Биттаяримта сузишни билмайдиган бечора бўлса, қутқариш керак, деганича ўзини сувга отди. Қийинчилик билан бўлса-да, тўладан келган рус миллатига мансуб малла сочли кишини сувдан олиб чиқди.

Нафасини ростлаб олгач, ўзи ҳозиргина сувдан олиб чиққан кишига разм солди-ю, ранги оқариб кетди. Чунки ўзи сувдан олиб чиққан киши жонсиз бўлиб, жасади қонга бўялган эди. Ҳашпаш дегунча шахси номаълум кишининг мурдаси атрофида одам тўпланди. Усмон улардан бирига мурдага кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлаб, ўзи милицияни хабардор қилишга шошилди. Орадан чорак соат ўтар-ўтмас бу ерга вилоят ИИБ ЖҚБ ва ТҚКБ бошлиғи милиция майори И.Шалкеев бошчилигидаги тезкор гуруҳ ходимлари етиб келди. Эксперт криминалистлар мурдани обдон кўздан кечириб, унинг бир кун олдин кўкрагига ўткир тиғли жисм санчиб ўлдирилганини ва 8 соат илгари сувга ташланганини аниқлашди. Ушбу далилларни таҳлил этган И.Шалкеев тезкор ходимларга керакли топшириқларни бериб, барчани ишга сафарбар этди.

Мурданинг шахси ким? Уни ким ва нима учун ўлдирган?

Бу саволларга жавоб топиб, қотилни қўлга олиш вилоят ИИБ ЖҚБ ва ТҚКБнинг ўта муҳим ишлар бўйича катта инспектори, милиция капитани Ҳусниддин Қодиров зиммасига юклатилди. У дастлабки ишни шу атрофдаги кишиларнинг мурдани таништанимаслигини аниқлашдан бошлади. Унинг мўлжали бехато чиқди. Шу яқин ерда яшовчи Момохол Исломқулова деган аёл бу борада унга катта ёрдам берди.

Аёл мурдани бундан икки йил илгари Қумқўрғон туманининг алоқа бўлимида ишлаган одам — Сергейга ўхшашини айтгач, иш анча жадаллашиб кетди. Ҳусниддин Қодиров бу гапни аниқлаш мақсадида аёл билан бирга машинада ўша манзилга йўл олди.

Қумқўрғон туман алоқа бўлимидан керакли маълумотни олишгач, улар кўрсатилган манзилга боришди. Капитан Қодиров дастлаб манзили кўрсатилган уйда ким яшаб келаётганлигини ва бу уйдагилар билан марҳумнинг қандай алоқаси борлигини шу атрофдагилардан сўраб билгачгина, уй эшиги қўнғироғини босди. Уйдан чиқиб келган 45 ёшлардаги тўладан келган, малла сочли аёл милиция ходимини кўриб, ўзини ҳеч нима билмагандай тутди. Ноқонуний эри бўлмиш Сергей икки кун олдин шу уйдан ўзи билан урушиб чиқиб кетганини айтди.

Капитан Қодиров унга мурдани кўрсатди. Мурдани кўргандан кейин ҳам аёлда бирор бир ўзгариш содир бўлмади. Унинг ўзини бу қадар сипо тутиши жиноятни очиш учун асос бўлди. Шундан сўнг улар ички ишлар бўлимига йўл олишди. У ерда капитан Қодировнинг аёлга жиноятни тан олиш, жазони енгиллаштириш тўғрисида тушунча бериши ўз самарасини кўрсатди. Аёл бор воқеани сўзлаб берди.

— Мен у билан икки йилдан бери бирга яшасам-да, никоҳдан ўтмаган эдим. Бу ишни ортиқча харажат ва ортиқча ташвиш деб билган эдик. Сергей аввалига алоқа бўлимида ишлаб юрди. Ишдан бўш вақтлари эса сув омбори ва "Шеробод" каналидан балиқ тутиб келар, тез-тез спиртли ичимликлар истеъмол қилар эди. Кейинги пайтларда тинимсиз ичишга берилди. Ичиб олиб, мен билан уришиш у учун эрмакка айланди.

Ўша куни ҳам худди шундай бўлди. Балиқ тутиб келгач, мени вино олиб келишга юборди. Икки идишда вино олиб келдим. Балиқни қовуриб едик, вино ичдик. Сўнг одатича жанжал бошлади. Қўлига балиқ тозаланган пичоқни олиб, мени сўймоқчи бўлди. Зўрға чап бериб қолдим, аммо пичоқ қўлимни кесиб кетди. Шундан сўнг қаттиқ ғазабланиб, қўлидан пичоқни тортиб олдиму тиғини ўзига қаратдим. Сергей кўкраги билан пичоққа урилиб, ерга ётиб қолди. Пичоқ кўкрагига санчилган экан. У ўша заҳоти тил тортмай ўлди. Мен уни кравотга ётқиздиму ухлаб қолдим. Эртасига онамни айтиб келиб, унга мурдани кўрсатдим. Икковимиз маслаҳатлашиб, мурдани сувга ташлашга аҳд қилдик. Қўшнилардан ғишт ташийман, деб сўраб олган аравага мурдани ортиб, она-бола каналга қараб йўл олдик. Мурдани ими-жимида сувга ташлаб уйга қайтганимизни ҳеч ким кўрмади ва сезмади ҳам...

Жарқўрғон туман ИИБнинг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Комил Маматалиев, ВИИБ ЖҚ ва ТҚКБнинг тезкор вакили, милиция капитани Ҳусниддин Қодиров ва шу бошқарманинг тезкор вакили, милиция лейтенанти Музаффар Шоимовларнинг халқ билан ҳамкорликдаги меҳнати натижасида оғир жиноят бор-йўғи тўрт соат ичида фош этилди. Бу жиноятни фош этишда кўрсатган беминнат ёрдамлари учун Усмон Норқулов ва Момохол Исломқуловларга вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан миннатдорчилик билдирилди.

Ўзини ҳимоя қилса-да, оғир жиноятга қўл урган Людмилага нисбатан ЖКнинг 100-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда. Унинг энди одил суддан тегишли жазо олишига шубҳа йўқ.

**С.АБДУВОҲИДОВ,**
**Сурхондарё вилояти**




Яқинда Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Навбаҳор туманидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тумандаги "Пилла" очиқ турдаги акционерлик жамияти ўртасида тузилган контрактация шартномаларини бажарилиши ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, Навбаҳор тумани 'Пилла' очиқ турдаги акционерлик жамияти ва ширкат хўжаликлари, шу жумладан, фермер хўжаликлари ўртасида ҳар йилдагидек, бу йил ҳам 22 та контрактация шартномаси тузилган. Шартнома бандларидаги камчиликлар уларни имзолашда юридик хизмат ёки адвокатура вакили иштирок этмаганлигини кўрсатиб турибди. Асосий камчилик маҳсулот учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш жуда узоқ муддат-90 кун қилиб белгиланганлиги билан боғлиқ.

Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сайёра Жумановнинг айтишича, Вазирлар Маҳкамасининг **"Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"**ги Низом талабларига кўра, топширилган пилла маҳсулоти учун ҳисоб-китоблар 3-5 кунда амалга оширилиши лозим. Ачинарли томони шундаки, бу хилдаги контрактация шартномаларидаги хато ва камчиликлар Навбаҳор туманидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ва пудратчилар ўртасида пилла етиштириш бўйича тузилган ички хўжалик шартномаларидаги ҳисоб-китобларда ҳам ўз аксини топган. Оқибат натижасида ширкат хўжаликлари ҳамда оила пудратчиларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуности ҳужжатларида қайд этилган ҳуқуқлари бузилган.

Адлия бошқармаси кўрсатмаси билан "Пилла" очиқ турдаги акционерлик жамияти ва хўжаликлар ўртасида тузилган контрактация шартномаларидаги камчиликлар тузатилди. Энди томонлар шартнома мажбуриятларини бажаришда хатога йўл қўймасалар бас...

**Юсуф РАСУЛОВ,**
**журналист**

*Мактубларингизни ўқиб*

# ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИЛАР?

- *АДОЛАТ ОСМОНДАГИ ОЙМИ?*
- *ОДДИЙЛИКДАН МУРАККАБЛИККА, МУРАККАБЛИКДАН...*
- *АВВАЛ ҚОНУННИ ЎРГАНИНГ, БИРОДАР, КЕЙИН...*

Дарвоқе, сира ўйлаб кўрганмисиз, одамлар нега шикоят ёзади? Албатта, ҳеч ким бекорчиликдан ёки зерикканидан шикоят ёзмайди. (Бундан айрим "ёзғувчи"чилик касалига мубтало бўлганлар мустасно, албатта.) Таҳририятимизга келаётган мактубларга назар ташласангиз, уларда баъзан жиддий, баъзан эса вилоят, туман, ҳаттоки, кичик бир хўжаликнинг ўзида ҳал қилиш мумкин бўлган муаммолар қаламга олинганини кўрасиз.

Тўғри, ҳар бир мактуб ортида инсон, унинг умид-армонлари, дард-изтироблари бор. Биз мактубларнинг бирортасига ҳам мана бу жиддий, бу эса ножиддий, деб баҳо бериш ниятидан йироқмиз.Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам келаётган мактубларни имкон даражасида газета саҳифаларида ёритиш ёки текшириб, чора кўриш учун мутасадди ташкилотларга юбориш ҳаракатида бўламиз.Хуллас, таҳририятимизга ишонч билдириб мактуб йўллаган муштарийларимизнинг дардларига дармон бўлишга, адолат осмондаги ой эмаслиги, уни қидирган киши, албатта, топиши мумкинлигига ишонтиришга ҳаракат қиламиз.

Келинг, сиз билан бирга уларга кўз ташлайлик.

"Шу йилнинг 16 майида оиламиз бошига оғир мусибат тушди,— **деб ёзади Хива туманидаги Хива жамоа хўжалигидан Шермат Матназаров.** — 1966 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Ҳ. Турсунқулов кўчаси, 2-уйда яшаб келган ўғлим Илҳом Матназаровни ўлдириб кетишди...

Бугунга келиб, ўғлимнинг маъракаларини ўтказиш учун у яшаган уйга кира олмаяпман. Қолаверса, ўзим ҳам шу уйда расмий рўйхатда тураман. Лекин терговчи уйнинг калитини бермаяпти..."

Бу беш саҳифадан иборат шикоят-аризадан қисқагина кўчирма, холос. Эҳтимол, тергов-суриштирув ишлари олиб борилаётган бир пайтда қотиллик содир этилган уйга киришга рухсат берилмаётганлиги, шикоятчи ва унинг оила аъзолари ўзаро